

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВА ЗОИРА ҲАҚНАЗАРОВНА

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИНИ
ЎСТИРИШ ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ
ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши - 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Рахматова Зоира Ҳақназаровна

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг
лингвистик асослари.....5

Рахматова Зоира Ҳақназаровна

Лингвистические основы создания средства воспитания речи у детей
дошкольного возраста.....25

Rakhmatova Zoira Haqnazarovna

Lingvistical basis of creating means of developing speeck of preschool aged
children.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works51

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВА ЗОИРА ҲАҚНАЗАРОВНА

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИНИ
ЎСТИРИШ ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ
ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида XX аср бошларига келиб тил ва ундан фойдаланувчи шахс ўртасидаги муносабатларни тилда акс эттириш, тил эгаларининг атрофдаги оламнинг миллий лисоний манзараси билан танишиб бориши ҳамда коммуникатив қобилиятини ўстирувчи лингводидактик воситаларга эътибор кучайди. Бу эса кўпгина илғор давлатларда ўқув луғатларининг нафақат нутқ ўстириш воситаси, балки интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаси деб тан олинishi ҳамда турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган антропоцентрик ўқув луғатларининг лингвистик, когнитив, лингводидактик жиҳатларини очиб беришда амалий аҳамият касб этди.

Жаҳон тилшунослигининг лингвокогнитология, лингводидактика, педагогик лексикография, лингвометодика, корпус лингвистикаси, компьютер лингвистикаси каби амалий соҳаларида “кичик ҳажмда катта мақсадни тилни тасвирлаш билан бирга уни тез ва осон ўқитиш мақсадини кўзлаган”лиги билан характерланувчи ўқув луғатларни яратиш ва уларни электронлаштириш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда. Мактабгача бўлган ёш боланинг коммуникатив тараққиётида муҳим давр ҳисобланиб, ушбу ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг лингвистик, лингвопедагогик, лингводидактик, психолингвистик асосларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда мактабгача таълимнинг ислоҳ қилиниши, узлуксиз таълимнинг энг асосий бўғини сифатида эътироф этилиши, қолаверса, мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури асосида боланинг коммуникатив, ижтимоий, билиш компетенцияларини шакллантириш вазифасининг ётиши бу тизим учун мўлжалланган нутқ ўстириш воситалари – луғатлар, лексик минимумлар, кўшимча ахборот манбаларига бўлган талабни оширмоқда. “Ўзбек тили ўқув лексикография тармоғини ривожлантириш, замонавий, янги авлод ўқув луғатларини тузиш ҳамда уларнинг электрон шакллари ва соҳалар бўйича атамалар луғатини яратишдир”¹. Шундай экан турли ёшдаги таълим олувчилар, хусусан, мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган нутқ ўстириш воситаларини яратишнинг лингвистик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда луғатларни замонавий шахснинг асосий кўрсаткичи бўлган коммуникатив компетентликни ўстиришнинг муҳим воситаси сифатида талқин этиш илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йилнинг 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // lex.uz / docs / 5058351

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон “Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон “Мақтабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон “Мақтабгача таълим ва тарбиянинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан-технологиялар ҳамда инновацион ривожланишнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг охиридан мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини комплекс ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, В.А.Звегинцев, А.А.Потебня, Б.А.Серебренников, И.А.Антипова, В. Ю.Апресян, С.В.Лебедева, Н.В.Уфимцева, Л.Ю.Воротниковларнинг лингвистик, Л.С.Выготский, Ф.А.Сохин, А.Р.Лурия, И.Н.Горелов, Б.Д.Эльконин, Р.С.Немов, А.А.Леонтьев, А.Н.Гвоздевларнинг психологик, психолингвистик аспектдаги, А.М.Бородич, М.М.Алексеева, В.И.Яшина, Н.П.Иванова, С.И.Карповаларнинг педагогик, лингводидактик аспектдаги тадқиқотларида мазкур нутқ ўстириш воситалари комплекс ўрганилди.

Ўзбек тилшунослигида гарчи мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларининг лингвистик хусусиятлари махсус тадқиқот объекти бўлмаган бўлса-да, онтолингвистикага оид тадқиқотлар, хусусан, М.А.Қурбонова, Н.Сайидираҳимова М.С.Исмаилов, О.Умархўжаева, Д.Ўринбаева, Г.Искандарова²

² Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. автореф. – Т., 2018. – 72 б.; Сайидираҳимова Н. Мақтабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б.; Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1988. – 23 с.; Умархўжаева О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – № 5. – Б. 52-53; Ўринбаева Д., Раҳимова М. Мақтабгача ёшдаги болаларнинг ижодий тафаккурини шакллантириш усуллари. – Самарқанд, 2018. – 120 б. – Б. 6; Искандарова Г. Болалар мулоқот ҳулқининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятлари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент: Университет, 2015. – № 12. – Б. 200-203.

ва бошқаларнинг ишларида болалар нутқининг лисоний, прагмалингвистик, социопсихоллингвистик, гендерологик, лингвокультурологик хусусиятлари; Ф.Р.Қодирова, Р.М.Қодирова, Ш.Тошпўлатова³лар тадқиқотларида нутқ онтогенезига оид масалалар атрофлича тадқиқ этилган. Б.Баҳриддинова “Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари” деб номланган диссертациясида лингводидактик йўналишдаги амалий фан – ўқув луғатчилигининг назарий масалаларини монографик кўламда махсус ўрганди⁴.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ўзбек тилининг структур ва социопрагматик тадқиқи” ҳамда ОТ-Ф8-002 – “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг лингвистик томонларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тилшуносликда мавжуд болалар нутқини ўстириш воситаларини аниқлаш;

болалар энциклопедиялари, иллюстратив луғатларнинг афзаллиги, таълим жараёнидаги аҳамияти ва ролини очиб бериш;

мактабгача ёшдаги болалар луғатининг лексикографик семантизацияга доир тавсифий белгиларини аниқлаштириш;

мактабгача ёшдаги болалар луғатининг антропоцентрик хусусиятлари, оламнинг миллий лисоний манзарасини англашдаги ролини ёритиш;

болалар учун мўлжалланган ўқув лексикографик нашрни яратишда лингвистик, педагогик, психологик мезонлар етакчилик қилишини кўрсатиб бериш;

ўзбек тилида янги авлод болалар луғатларини яратиш мезонлари, унинг мега, макро ва микро тузилиши масалаларини ёритиш;

ўзбек мактабгача ёшдаги болалар луғатчилиги тараққиётига тўсик бўлаётган омилларни аниқлаш ҳамда соҳа тараққиётини белгиловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жаҳон ва ўзбек луғатчилигида мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган иллюстратив энциклопедиялар, луғат-минимумлар, луғат-дарсликлар ва турли мавзувий изоҳли луғатлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини мактабгача ёшдаги болалар луғатларининг антропоцентрик табиати ва лингвистик хусусияти ташкил этади.

³ Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларда диалогик нутқни ривожлантиришнинг психологик омиллари. Сариоғоч, 1998.; Қодирова Ф., Тошпўлатова Ш., Аъзамова М. Мактабгача педагогика. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 160 б.

⁴ Баҳриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари: Филол.фан... доктори (DSc) дисс. – Самарқанд, 2020. – 252 б.;

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функционал-семантик, киёсий-тарихий ҳамда статистик таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, ассоциатив тажриба усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳажм, сўзликни танлаш, тақдим қилиш, луғат мақола тузилиши, лексикографик семантизация, луғатнинг таркибий тузилмаси каби лексикографик нашрга хос тавсифий белгилар мавжуд луғатлар асосида аниқланган;

мактабгача ёшдаги болалар луғатининг нафақат нутқ ўстириш воситаси, балки интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги лингвокогнитив, психолингвистик, лингводидактик усуллар асосида очиб берилган;

болалар луғатининг антропоцентрик йўналганлиги, таълим олувчининг оламнинг ҳақиқий миллий лисоний манзараси билан танишиб боришида ёши, миллати, иқтидори, алоҳида таълим олишга бўлган эҳтиёжи ва бошқа индивидуал хусусиятларга алоқадорлиги аниқланган;

ўзбек тилида янги авлод болалар луғатларини яратишнинг лингвистик, педагогик, психологик мезонлари, унинг мега, макро ва микро тузилиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек ўқув лексикографиясининг мактабгача ёшдаги болалар луғатчилиги тармоғи тараққиётида муҳим илмий-назарий аҳамият касб этган;

мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган янги авлод ўқув луғатларини яратишнинг лингвистик асослари аниқланган;

ўзбек тилида замонавий болалар энциклопедиялари, иллюстратив луғатлар, луғат-минимумлар, турли мавзувий изоҳли луғатларнинг лингвометодик таъминотини яратиш, уларни электронлаштириш ҳамда глобал тармоқда кичик ёшдаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган махсус сайтларни ташкил қилишдаги аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган муаммонинг аниқлиги, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, қўлланилган ёндашув, тўпланган материаллар ўзбек тилида мактабгача ёшдаги болалар луғати тўғрисида аниқ хулосага келиш имконини бергани, илмий-назарий фикр ва хулосалар амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ўзбек тилида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг лингвистик асосларини ишлаб чиқишда назарий аҳамият касб этади.

Ишнинг амалий аҳамияти “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Лексикография асослари”, “Ўзбек ўқув луғатчилиги”, “Ўзбек терминологияси ва лексикографияси”, “Компьютер лингвистикаси”, “Корпус лингвистикаси” фанларидан дарслик ва қўлланмалар, мактабгача ёшдаги болалар энциклопедиялари, иллюстратив луғатлар яратиш, шунингдек, давлат тилини ривожлантириш, тил сиёсатини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг лингвистик асосларини ишлаб чиқиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

лексикографик нашрга хос тавсифий белгилар – ҳажм, сўзликни танлаш, уни тақдим қилиш, луғат мақола тузилиши, лексикографик семантизация, луғатнинг таркибий тузилмаси, сўзнинг морфологик таркибини ажратишга доир назарий хулосалардан ФА-Ф1-Г003 – “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 20 январдаги 17-01-111-сон маълумотномаси) Тадқиқот натижалари асосида мактабгача ёшдаги болалар луғати корпусини шакллантириш, сўзликни танлаш, луғатда берилган ҳар бир тил бирлигини лексикографик изоҳлаш борасидаги масалаларни ёритиш имконини берган;

мактабгача ёшдаги болалар луғатининг нафақат нутқ ўстириш воситаси, балки интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги лингвокогнитив, психолингвистик, лингводидактик таҳлиллар асосидаги назарий хулосалардан “Олам менинг нигоҳимда” (ISBN 978-9943-978-92-8) номли мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган луғат қўлланмада фойдаланилган. Тадқиқот натижалари асосида ёш авлодни умуммиллий қадриятларимизга содиқ қилиб тарбиялашда нутқ ўстириш воситаларининг ролига доир қарашларни такомиллаштириш имконини берган;

ўзбек тилида янги авлод болалар луғатларини яратишнинг лингвистик, педагогик, психологик мезонлари, унинг мега, макро ва микротузилиши масалаларига доир назарий хулосалардан “Олам менинг нигоҳимда” (ISBN 978-9943-978-92-8) номли мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган луғат қўлланмада фойдаланилган. Натижада мактабгача ёшдаги болалар луғати сўзлигини шакллантириш ва семантизациялашда: илмийлик ва мантиқлилик, таълимийлик, лексикани қулай шаклда тақдим этиш, кўрсатиб тушунтириш, умумийлик-хусусийлик, изчиллик, миллийлик, замонавийлик, дидактик, тушунарлилик, даражалилик каби тамойилларни очиб бериш имконини берган;

болалар луғатининг антропоцентрик йўналганлиги, таълим олувчининг оламнинг ҳақиқий миллий лисоний манзараси билан танишиб боришида ёши, миллати, иқтидори, алоҳида таълим олишга бўлган эҳтиёжи ва бошқа индивидуал хусусиятларига мослиги очиб берилган маълумотлардан “Тил – миллат кўзгуси”, “Маънавиятимиз сарчашмалари”, “Алманах”, “Долзарб мавзу” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Қашқадарё телерадиокомпаниясининг 2021 йил 8 февралдаги 12-15/86-сон маълумотномаси) Тадқиқот натижалари асосида миллий тил ренессанси ҳамда ҳозирги замон цивилизацияси шароитида антропоцентрик ўқув воситаларининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири масаласини ёритишда муайян хулосалар чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот хулосалари ва натижалари 4 та халқаро, 5 та республика анжуманида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия қилинган нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 1 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг ҳажми 136 саҳифа – кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган. Тадқиқотнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқ усуллари аниқланган. Илмий янгилиги, амалий натижалари кўрсатилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланиб, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи, апробацияси, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Ишнинг биринчи боби **“Мақтабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситалари хусусида”** деб номланган. Бобнинг **“Мақтабгача таълим тизимининг ислоҳ қилиниши ва мақтабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларига эҳтиёжнинг пайдо бўлиши”** деб номланган биринчи бўлимида мамлакатимизда сўнгги йилларда мақтабгача таълим тизимида олиб борилган ислохотлар, Мақтабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши, мақтабгача таълим узлуксиз таълимнинг асосий бўғини сифатида ажратилиши ушбу бўғинда таълим ва тарбия олувчилар учун мўлжалланган ўқув-методик, дидактик материалларга бўлган талабни оширганлиги, бу эса ўзбек тилшунослиги фани ҳамда тил таълими олдига мақтабгача таълимнинг турли босқичида таълим олаётган болалар нутқини ўстириш учун иллюстратив энциклопедиялар, изоҳли луғатлар, лексик минимумларни яратиш билан шуғулланадиган мақтабгача ёшдаги болалар луғатчилигини тараққий эттириш вазифасини қўяётганлиги асосланган.

Бобнинг иккинчи бўлими **“Мақтабгача ёшдаги болалар учун нутқ ўстириш воситаларининг яратилиш тарихи”** деб номланади. Илк илдизлари милоддан аввалги тўрт мингинчи йилликларга бориб тақалиши эътироф этилаётган ўқув луғатчилиги анъаналари шаклланган XX аср бошларида ҳам ҳали таълимнинг илк босқичи – мақтабгача таълим учун луғатлар яратиш масаласи кун тартибига олиб чиқилмаган эди.

Маълумки, болалар учун яратилган ҳар қандай восита, у бадиий асар бўладими, лексикографик маҳсулот бўладими, аввало, унинг нутқини

бойитиш, тафаккурини ўстиришга қаратилган бўлади. Ўзбек тилида яратилган кичик ёшдаги болаларнинг интеллектуал тараққиёти, нутқини ўстириш билан боғлиқ воситаларнинг, асосан, икки тоифасини ажратиш мумкин: 1) луғатлар (иллюстратив энциклопедия, луғат-минимум, луғат-дарсликлар ва б.); 2) бадиий асарлар – халқ оғзаки ижоди намуналари, ҳикоя, шеър ва б.

Манбаларда болалар учун ёзилган илк луғат сифатида Л.Зизанийнинг 1596 йилда нашр этилган “Лексис” (“Азбука”)⁵ универсал-энциклопедик изоҳли луғати кўрсатилади. У славян тилида ёзилган муқаддас китоблардаги маъноси тушунарсиз сўзлар изоҳига бағишланган бўлиб, керакли маълумотни тез ва қулай топиш мақсадида сўзлиги алифбо тартибида жойлаштирилган. Шу сабабли луғат “Алифбо” номи билан машҳур бўлган. Китоб бошловчилар – кичик ёшдаги фойдаланувчиларга мўлжаллангани боис, қадимги черков китобларида жуда кам учрайдиган сўз ва ибораларни қамраб олмаган.

Болалалар нутқини ўстириш воситалари тарихида машҳур чех педагоги, ёзувчи, давлат арбоби, илмий педагогика асосчиси Ян Амос Коменский (1592-1670) асарлари алоҳида ўрин тутади. Унинг “Тилларнинг очик эшиклари” ёки “Эшик ортидан” (“*Jania linguarum et ilmiyarum omnium reserata*”) ҳамда “Тушунчалар олами расмларда”⁶ (“*Orbis Sensualium Pictus*”) деб номланган энциклопедиялари бевосита лингводидактик характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Коменскийнинг 1658 йилда ёзилган машҳур “Тушунчалар олами расмларда” (“Олам расмларда”) энциклопедияси луғат-дарслик характерига эга бўлиб, ҳозирга қадар дунёнинг кўпгина мамлакатларида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстиришда муҳим восита сифатида фойдаланиб келинади. Коменскийнинг ушбу энциклопедияси таъсирида бир қанча тилларда айнан шу номли луғатлар, унинг аналоглари юзага келган⁷.

Ўзбек тилида, умуман, Марказий Осиё ва Шарқда ХХ асрга қадар айнан мактабгача ёшдаги болалар учун махсус ёзилган китоблар учрамайди. Аммо катталар учун ёзилган дидактик характердаги кўплаб асарларда болалар учун мўлжалланган бўлимларнинг мавжудлиги қадим замонлардаёқ кичик ёшдаги фойдаланувчилар ҳам буюк мутафаккирлар эътиборидан четда қолмаганидан далолат беради. Жумладан, ҳиндларнинг Шарқда “Калила ва Димна” номи билан танилган “Панчатантра” (“Беш ҳикмат”), “Тўтинома” номи билан машҳур бўлган “Шукасаптата” (“Тўтининг етмиш беш ҳикояси”), Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, “Рўшноинома”, Ю.Х.Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Кайковуснинг

⁵ Зизаний, Лаврентий Иванович. http://aksinfos.ru/pagebook/alfavit_zizania.html; <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

⁶ Коменский Я.А. Мир чувственных вещей в картинках, или изображение и наименование всех главнейших предметов в мире и действий в жизни. – М., 1941., Ч.III., – С.330

⁷ А.Рауандина, Б.О.Салыхова. Суретті қазақ тілі. (Казахский язык в картинках) Учебные пособие для обучения детей младшего школьного возраста казахскому языку. «Акылды балапан». Около 500 слов. Алматыкітап, 2009.; Брукс Ф. Суретті сөздігі. «Асборнский словарь в картинках». – Алматыкітап, 2014 г. 128 с.; – С. В. Трофимова. Мен тұратын үй. Суретті сөздік / Дом, в котором я живу. Словарь в картинках. Казахский-Русский. 8&8, 2015 г.; С. В. Трофимова. Мен жақсы көретін әлем. Суретті сөздік / Мир, который я люблю. Словарь в картинках. Казахский-Русский. 8&8, 2015 г.;

“Қобуснома”, А.Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, шунингдек, Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашлари баён этилган “Маҳбуб ул қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”), “Хамса”нинг биринчи достони “Ҳайратул аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) фалсафий-таълимий дostonларида нутқ одоби, камтаринлик, катталарга ҳурмат, тўғрисиўзлик, илмнинг фойдаси ва бошқалар ҳақида батафсил тўхталади.

XX аср бошларидан ўзбек тилида ҳам болалар учун дастлабки китоблар – дидактик асарлар, луғат-қўлланмалар пайдо бўла бошлади. Ўзбек маърифатпарварлари Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Саидрасул Саидазизовнинг эски мактабда болалар саводини чиқаришга бағишланган “Устоди аввал” асарлари XX аср бошлари дидактик фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. Айни пайтда мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларининг янги авлоди – хорижий луғатчилик анъаналари асосида яратилган қатор замонавий луғатлар ва уларнинг электрон версиялари юзага келганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Жумладан, В.В.Аристованинг “Менинг энг биринчи энциклопедиям”⁸, Н.Н.Малофееванинг “Мактабгача ёшдаги болалар энциклопедияси”⁹ деб номланган луғатлари, Миразиз Аъзамнинг “Минг бир сўзни биламан”¹⁰ деб номланган рангли-безакли луғати, “Менинг биринчи энциклопедиям” туркумида 10 номдаги болалар энциклопедияси ва уларнинг электрон версиялари¹¹, Н.Маҳмудовнинг “Сўз сандиқчаси” луғати¹², Мактабгача таълим вазирлигининг Давлат ўқув дастури асосида нашр қилинган “Менинг биринчи луғатим”¹³ туркум луғатлари бу борадаги ютуқлардан дарак беради¹⁴.

Бобнинг учинчи бўлими “Мактабгача ёшдаги болалар энциклопедиялари хусусида” деб номланади.

Бугунги кунда “ўқув луғати” термини остида таълимнинг қайси бўғини учун мўлжалланганлигига кўра куйидаги уч турга мансуб луғатлар тушунилади: 1) мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган луғатлар – *learning dictionary, kindergarten dictionary, kids dictionary, children’s dictionary, kindle edition, дошкольный словарь, boosulchacha*; 2) мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган

⁸ Aristova V.V., Galpershteyn L.Y. va b. Mening eng birinchi ensiklopediyam (2-kitob) Tarj. T.Alimov. – Toshkent: Cho‘lpon, 2010. – 192 b.

⁹ Malofeyeva N.N. Maktabgacha yoshdagi bolalar ensiklopediyasi. Tarj. A.Akbar. – Toshkent: Cho‘lpon, 2010. – 204 b.

¹⁰ Miraziz A‘zam. Ming bir so‘zni bilaman: Bolalar uchun rasmlı izohli lug‘at. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2016. – 200 b.

¹¹ Қаранг: <https://asaxiy.uz/index.php?route=themecontrol/product&product>

¹² Mahmudov N. So‘z sandiqchasi. – Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2016. – 216 b.

¹³ Tursunova Y. Mening birinchi lug‘atim. Rangin olam. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o‘quv izohli lug‘at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 32 b.; Botirova A. Mening birinchi lug‘atim. Meva va sabzavotlar. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o‘quv izohli lug‘at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 36 b.; Turdiyeva M. Mening birinchi lug‘atim. Kiyim-kechaklar. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o‘quv izohli lug‘at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 31 b.; Rahimova Sh. Mening birinchi lug‘atim. Bayramlarimiz. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o‘quv izohli lug‘at. – Qarshi: Nasaf, 2019. 56 b.; Bobojonova Sh. Mening birinchi lug‘atim. Komillik sari ilk qadam. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o‘quv izohli lug‘at. – Qarshi: Nasaf, 2019. 42 b.; K.Raximova. Mening oilam. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o‘quv izohli lug‘at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 43 b.

¹⁴ Бахриддинова Б.М. Олам менинг нигоҳимда // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2018. 6-сон.

луғатлар – *мактаб луғати, школьный словарь, school dictionary, educational dictionary*; 3) юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари учун тузилган луғатлар – *ўқув терминологик луғатлар, ўқув энциклопедик луғатлар, учебный терминологический словарь, учебный энциклопедический словарь, educational terminological dictionary, educational encyclopedic dictionary* ва б.

Мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган луғатлар, одатда, энциклопедик билим бериш учун хосланган бўлади. Энциклопедик луғат таълимнинг турли бўғинларида ўқувчининг керакли маълумотларни мустақил ўзлаштириши, бошланғич билимларни уйда ўзлаштиришига имкон беради. Зеро, “энциклопедия” (“*encyclopaedia*”) юнонча *ἐγκύκλιος* – “доира”, *παιδεία* – “таълим” “яхлит доирада умумий билим, маълумот бериш”¹⁵ маъноларини англатади. Аниқроғи, энциклопедия аслида лексикографиянинг ўқув жараёнига хосланган жанри ҳисобланади. Ўтган аср ўрталарига келиб энциклопедиялар яхлит умумий билим бериш ғояси ҳамда маорифчиларнинг оммани ёппасига маърифатли қилишга қаратилган онғни ўстириш, дунёқарашни шакллантиришдан иборат мақсади билан туташиб кетади. Бу, ўз навбатида, жаҳон ўқув лексикографиясида “болалар энциклопедияси” деб аталган махсус жанрнинг юзага келишига туртки бўлади. XVIII асрдаёқ бу жанрда яратилган энциклопедиялар катта ёшли фойдаланувчиларга мўлжалланган умумий энциклопедиялардан тезкор маълумот беришга эмас, балки кўпроқ когнитив вазифани бажаришга хослангани, таълимга йўналтирилгани, рангли-безакли бўлиши билан ажралиб туришини ўзида намоён қилди. Бу белги “болалар энциклопедияси”ни таълим жараёнига яқинлаштирди, ҳатто кўпгина мамлакатларда уни ўқитиш воситаси сифатида тан олинисига сабаб бўлди.

Энциклопедияларда иллюстрация – расмлар, ранглар, визуализацияга катта эътибор қаратилиши болалар энциклопедияларининг дарслик ва болалар адабиётига қараганда фойдаланувчилар диққатини ўзига кўпроқ жалб қилишига сабаб бўлди. Шу тариқа дунёнинг кўпгина тилларида болалар энциклопедияси дарслик ва луғат оралиғидаги восита сифатида таълим тизимида ўз ўрнини эгаллади ва нашриётлар учун катта даромад келтирадиган соҳага айланди. И.А.Антипова Европада том маънода дарслик вазифасини бажарувчи болалар энциклопедиялари тараққиёти XVIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, болалар адабиёти соҳасининг “синиши”га, оқсашига сабаб бўлгани, шунингдек, география, тарих, этнография, зоология ва психологияга қизиқишнинг ортиб бориши 1780-90 йилларда бу фанларга доир билимларнинг ҳам болалар энциклопедияларида қамраб олинисига олиб келганини таъкидлайди¹⁶.

XX аср охирига келиб болаларга мўлжалланган илк энциклопедиялар – “У ким. Бу нима”¹⁷ ҳамда “Мўъжиза китоб”¹⁸ нинг нашр этилиши ўзбек

¹⁵ Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Энциклопедия>

¹⁶ Антипова И.А. Первые детские энциклопедии в России // Проблемы культуры и искусства: Тез. Рос. аспирантской конф. – СПб., 2000. - Ч. II. – С. 318-324.

¹⁷ У ким. Бу нима. Болалар энциклопедияси. 3 томли. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1987.

тилида энциклопедик луғатларнинг махсус жанрининг юзага келишига туртки бўлди. Луғат ўз даври учун ўта ноёб нашр ҳисобланиб, болалар учун чиқарилган аввалги энциклопедиялардан изоҳларнинг содда ва тушунарлилиги, маълумотларнинг муайян тизим асосида боланинг дунёни идрок қилиш қобилияти, ёш хусусиятига мувофиқ тарзда берилгани билан фарқланади. Луғатда материаллар анъанавий болалар энциклопедияларига хос услубда мавзу жиҳатидан турли бўлимларга ажратиб берилган. Мазкур қомус мактабгача ёшдаги болаларнинг атрофидаги олам ва ундаги нарса, ҳодиса, белги, ҳаракатни ифодаловчи сўзлар билан боғлиқ тушунчаларни ўзлаштириши ҳамда ўз билимларини ҳар томонлама оширишларида дарслик каби муҳим ўрин тутган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг педагогик, психологик ва лингводидактик асослари”** деб номланган.

Жаҳоннинг кўпгина илғор мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам илк ёшларидан бола нутқига эътибор, хусусан, кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган нутқ ўстириш воситаларини яратиш масаласи тилшуносларнинг ҳам, педагог ва психологларнинг ҳам диққатини тортиб келган. Ўзбек тилшунослигида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларининг лингвистик хусусиятлари махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Бироқ онтолингвистикага доир тадқиқотлар, жумладан, Н.Сайидираҳимова, М.А.Қурбонова, М.С.Исмаилов, О.Умархўжаева, Д.Ўринбаева, Г.Искандарова ва бошқаларнинг ишларида болалар нутқининг лисоний, прагмалингвистик, социопсихоллингвистик, гендерологик, лингвокультурологик хусусиятлари, билингвизм (икки тиллик) шароитида ўзбек болалари нутқида замон муносабатларининг ифодаланиши, болалар томонидан она тилининг фонетик тизими, грамматик имкониятларининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ муаммолар, болалар нутқида учрайдиган ўзига хос лексик-семантик бирликлар, мактабгача ёшдаги болаларда ижодий тафаккурни ўстириш масалалари монографик аспектда ўрганилган.

Сўнгги йилларда ўзбек ўқув луғатчилигини монографик кўламда тадқиқ қилган Б.Баҳриддинова ўқув луғатчилигининг умумий назарий ва амалий масалаларини ёритар экан, узлуксиз таълимнинг турли бўғинлари учун мўлжалланган луғатлар, хусусан, мактабгача ёшдаги болалар луғатларига ҳам диққатини қаратади¹⁹.

Мактабгача ёшдаги болалар луғати – боланинг шунчаки луғат бойлигини тўлдириш эмас, балки ундан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш,

¹⁸ Болалар учун универсал энциклопедия. Мўъжиза китоб. Тузувчи Н. Николаева. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 1-жилд 686 б.; 2-жилд 607 б.; 3-жилд 685 б.

¹⁹ Қаранг: Баҳриддинова Б.М. Олам менинг нигоҳимда // Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2018 йил. – №6; Баҳриддинова Б.М. Боғча боласига луғат керак эмасми? “Маърифат”, 2018 йил, – №46; Баҳриддинова Б. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари учун ўқув луғатлари яратишга доир / Глобаллашув жараёнида ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Қарши, 2018. – Б.107-110.; Баҳриддинова Б.М. Болалар учун луғатлар “гулдаста”си. “Маърифат”, 2019 йил, – №36; Баҳриддинова Б.М. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари нутқини ўстириш воситаларига доир / Ўзбек тилшунослиги масалалари. Даврий тўплам № 8. – Қарши: Насаф, 2018. Б. – 9-13;

дунёқараши, тафаккурини кенгайтириш, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини турли нутқ шароитларида эркин баён қилиш кўникмаларини ҳам шакллантириш учун хизмат қиладиган лингводидактик восита бўлиб, унинг асосида, аввало, бола шахсини тарбиялашнинг учта энг муҳим – коммуникатив, ижтимоий, билиш компетенцияларини шакллантириш мақсади ётади. Шу боис мактабгача ёшдаги болалар учун яратиладиган ҳар қандай нутқ ўстириш воситасининг сўзлигини шакллантириш ва ҳар бир лексик birlikни изоҳлашда бир қатор лингводидактик талаблар ҳам қўйилади. Ушбу талаблар мазкур ўқув луғатларининг спецификаси – ўзига хос характерли хусусиятларини белгилайди. Жумладан:

Биринчидан, бу тоифага мансуб луғатларда ҳажм қатъий чегараланади. Ўқув луғатининг комплекс луғат, супер луғат каби турлари ҳажман катта бўлиши ҳам мумкин, бироқ мактабгача ёшдаги болалар луғати ҳажми турли безаклар, иллюстрациялар билан бирга 100 бетдан ошмайди.

Иккинчидан, умумий энциклопедия, ҳатто энциклопедик ўқув луғатларининг бошқа турларидан фарқли равишда бу типдаги луғатлар корпуси материални ўзига хос тартибда тақдим қилиши билан характерланади. Аниқроғи, луғат сўзлиги камдан-кам ҳолларда алфавит, кўпинча мавзувий тартибга асосланади. Вокабула (бош сўз) бир пайтда ҳам сўзлик, ҳам умумий мавзу остида жамланган луғат мақолалар уяси номини англатади ва моҳиятан идеографик луғатларни эслатади. Сабаби болалар луғатининг сўзни эмас, айнан тушунчани изоҳлаш (кўп ҳолларда кўрсатиб изоҳлаш)га йўналтирилганлиги билан боғлиқ.

Учинчидан, луғат мақоланинг жумла тузилиши ниҳоятда оддий бўлиб, асосан, содда гаплардан ташкил топади. Изоҳлар услубан алифбе дарсликлари матнини эслатади. Сўзликда лексикографик символика – шартли белги, қисқартмалардан деярли фойдаланилмайди:

Изоҳ	Луғат номи
<p>САМОЛЁТ (рус. сам – ўзим ва летать – учмоқ), аэроплан – ҳаводан оғир учиш аппарати. Двигатель ёрдамида илгарилама ҳаракатланганда қанотларда вужудга келадиган кўтариш кучи таъсирида ердан кўтарилади. Двигатель валига ўрнатилган винт тез айланганда ҳосил бўладиган тортиш кучи (поршенли двигателлар ўрнатилган С.да) ёки сопло орқали катта тезликда чиқадиган газларнинг итариш кучи (реактив двигателли С.да) таъсирида олдинга ҳаракатланади. Қанотларнинг бир ёки икки текисликда жойлашишига қараб, С. Моноплан (қаноти бир текисликда) ва биплан (қанотлари икки текисликда), двигателлари сонига қараб 1, 2, 3 ва 4 моторли; двигателлари турига қараб, винтли (поршенли ва турбовинтли), реактив двигателли (қ. Авиация двигатели), йўловчилар ўринлари сонига қараб, бир, икки ва кўп ўринли; қўлланишига қараб ҳарбий ва фуқаро, санитария, юк ва махсус турларга бўлинади.</p>	<p>Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. 2004. – Б. 481</p>

<p>САМОЛЁТ – қадим-қадимдан одамлар қанотли машиналарни орзу қилиб келишган. Лекин ҳавога йўлни аслида бензин билан юрадиган двигател олган. Самолёт кўпайиб кетгандан кейин одамлар бу “қуш”ни авиация дея бошлашди. “Авис” сўзи лотинчада “қуш” маъносини беради.</p>	<p>Аристова В.В., Галперштейн Л.Й. ва б. Менинг энг биринчи энциклопедиям (2- китоб) Тарж.Т.Алимов. – Тошкент: Чўлпон, 2010. – Б 46</p>
--	---

Тўртинчидан, бошқа луғатлардан фарқланиб, бу типдаги луғатлар махсус полиграфик талабларга жавоб бериши – тасвирли ва рангли бўлиши, иллюстрацияга – сўзнинг семантик ва грамматик хусусиятига қўшимча тавсиф берадиган, унинг қўлланилиш доирасини аниқлаштирадиган визуал воситага эга бўлиши лозим.

Бешинчидан, ўқув луғатларининг барча турлари, хусусан, мактабгача ёшдаги болалар энциклопедияларида луғат микроқурилишидан фақат сўзлик ёки луғат мақола эмас, балки расм чизиш, бўяш, турли шаклларни ясаш билан боғлиқ топшириқлар, тестлар, шунингдек, тез айтиш, топишмоқ, шеър ва бошқотирмалар ҳам жой олади.

КАМАЛАК – ранглар мужассамлашган табиат мўъжизаси. Биз унда 7 хил рангни кўрамиз: қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк ва сиёхранг. Аммо унда инсон кўзи кўра олмайдиган миллионлаб ранглар мавжуд.

*Ранглар ажиб, ранг-баранг,
Кўзни олади қаранг.
Ёмғирдан сўнг товланар,
Етти хилда ажиб ранг.*

Амалий топшириқ: Уй шароитида камалак ҳосил қилиб кўринг. Бунинг учун сув билан тўлдирилган стакан оласиз, ичига ойнани қўясиз. Бунда қоронғу ва деворлари оқ хона танланг. Камалак пайдо бўлгунча ёриткич билан ёритиб туринг²⁰.

Бобнинг иккинчи бўлими “Мактабгача ёшдаги болалар луғатининг лингвопедагогик асослари” деб номланади. Маълумки, мактабгача ёш деганда боланинг туғилган пайтидан етти ёшгача, яъни умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим олиш ёшигача бўлган давр назарда тутилиб²¹, у мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг энг қуйи ва асосий бўғини ҳисобланади. Ушбу бўғин учун мўлжалланган нутқ ўстириш воситалари қуйидаги педагогик талабларни қониқтира олиши лозим: 1) луғат сўзлиги бола ўзлаштириши лозим бўлган асосий билим, кўникма ушбу босқич учун таълим мазмуни ҳамда ҳажмини белгиловчи ягона ҳужжат – мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурига мувофиқ бўлиши; 2) семантизация жараёнида таълим ва тарбия мазмуни мувофиқлигига қатъий амал қилган

²⁰ Турсунова Ю. Рангин олам. Мактабгача ёшдаги болалар учун рангли-безакли ўқув изоҳли луғат. – Қарши: Насаф, 2019.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 16 декабрь, ЎРҚ-595-сон / <https://lex.uz/docs/4646908>

ҳолда изоҳларда лингвомаданий, социолингвистик, этнолингвистик, когнитив, прагматик, семиотик талабларга тўла риоя қилиниши.

Бобнинг учинчи бўлими “Мақтабгача ёшдаги болалар луғатининг психоллингвистик асослари” деб номланади. Мақтабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш – бу мураккаб психологик жараён бўлиб, бу болаларда умуман мулоқот фаолиятини ривожлантириш ва мулоқотга эҳтиёж мавжудлиги билан боғлиқ. Бола мулоқотга киришар экан, нутқий захирасида мавжуд лисоний бирликлардан – фаол нутқий луғатидан фойдаланади. Бола нутқи учун кўпмаънолилиқ хос бўлиб, унда янги сўзнинг пайдо бўлишида нарса, ҳаракат ёки белги эмас, боланинг ички сезгиси муҳим роль ўйнайди. Аниқроғи, бола нутқий акт, мулоқот учун зарур бўлган сўз луғатида мавжуд бўлмаса, уни нутқ жараёнида ўзи “ясаб олиши”, янги сўз “кашф қилиши” мумкин. Академик Р.С.Немовнинг таъкидлашича, 6 ёшли болада луғат бойлиги ижтимоий қуршовга кўра 6000 дан 14000гача бўлиши мумкин. Бу мақтабгача ёшдаги болалар нутқининг ривожланиш жараёни ва натижалари ўзгарувчан деган хулосага олиб келмаслиги керак. – дейди у. – Боланинг сўз захираси миқдори мамлакат тараққиёти, таълим, аҳолининг ижтимоий, маданий даражасига боғлиқ. Масалан, XX асрнинг бошларида мамлакатимизда 3-4 ёшли боланинг сўз бойлиги тахминан 400-600 сўзни ташкил қилган бўлса, айти пайтда бу 1200 атрофида деб белгиланяпти. Деярли уч баробар ошган²².

Мақтабгача ёшдаги болалар луғатини тузиш, унинг сўзлигини шакллантириш ва лексикографик семантизация масалаларига психологик ёндашув, *биринчидан*, боланинг ёш хусусиятлари, алоҳида қобилятга эгаллигига асосланиш; *иккинчидан*, болаларнинг индивидуал таълимга бўлган эҳтиёжи ҳамда алоҳида имкониятларини инобатга олиш лозимлигини тақозо этади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Мақтабгача ёшдаги болалар луғати ва унинг антропоцентриқ хусусиятлари**” деб аталади.

Ўқув луғатларининг антропоцентриқ йўналтирилганлиги маданий-маънавий баркамол, коммуникатив фаол, жисмонан ва ақлан соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ барча замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг муқобил лингводидактик моделларини ишлаб чиқишни шарт қилиб қўймоқда. Бундай луғатлар устида ишлаш мақтабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларида босқичма-босқич равишда:

1) мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, ижтимоий мослашувчанлик билан боғлиқ коммуникатив;

2) медиамаданиятга эга бўлиш билан боғлиқ информация;

3) ўзини ўзи ривожлантириш;

4) ижтимоий-иқтисодий муносабатларда муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш билан боғлиқ ижтимоий фаол фуқаролик;

5) миллий ва умуммаданий компетенцияларни шакллантириб боришга ёрдам беради.

²² Р.С.Немов. Психология. Психология образования. – Питер: Владос, 2007. – С.208.

Бобнинг “Янги авлод болалар энциклопедияларининг макро ва микро тузилиши” деб номланган бўлимида замонавий мактабгача ёшдаги болалар луғатининг структурал қурилиши ҳақида сўз боради. Мактабгача ёшдаги болалар луғати **мегаструктураси**, одатда, кириш, ўқув-методик таъминот, луғат корпуси ҳамда иловалардан ташкил топади. Кичик ёшдаги фойдаланувчиларга мўлжалланган ўқув луғатларининг мегақурилишига кўра икки тоифасини ажратиш мумкин: 1) Корпуси муайян уялардан ташкил топган мавзувий тартибли луғатлар; 2) Ҳар бир мавзу алоҳида китобга жамланган туркум луғатлар. Янги авлод болалар энциклопедиялари мегатузилишига хос муҳим хусусият уларнинг туркум (серияли) луғат кўринишига эгаллиги, яъни атрофимиздаги оламни англаш билан боғлиқ муайян мавзуларни алоҳида-алоҳида қамраб олган китоблардан иборат бўлиши билан боғлиқ. Масалан “Менинг биринчи луғатим” болалар энциклопедияси 50 номдаги алоҳида китоблардан иборат.

Болалар луғати **макроструктураси** луғат корпуси ёки сўзликдан иборат бўлиб, у луғат мақолаларнинг жойлашиш тартибини белгилайди. Мактабгача ёшдаги болалар луғати корпуси бошқа бирор луғатда учрамайдиган ўзига хос тузилмага эга бўлиб, материал мақола ичида мақола тарзида тақдим қилинади. Масалан, “Менинг энг биринчи энциклопедиям” луғатининг “Ҳаммаси одам ҳақида” деб номланган қисми тузилишини кўриб ўтамыз:

<i>Бош мавзу</i>	
ҲАММАСИ ОДАМ ҲАҚИДА	
<i>2-даражали мавзу</i>	<i>3-даражали мавзучалар</i>
ҚУЛОҚЛАРИМИЗ	қулоқ супраси, ташқи эшитиш тешиги, ўрта қулоқ, чиғаноқ, қулоқ пардаси, ички қулоқ, евстахийев канали
ҚОН	қон таркиби, озикланади ва ҳимоя қилади, пулс, қоннинг ҳаракати,
ТИНИМСИЗ ЗАҲМАТКАШ	юрак, артериялар, веналар, юрак ва артерия
БОЛАЛАР	Ўғил болалар: тиниб-тинчимаслар ва урушқоқлар, эркак кучли ва ҳимоячи, ўсмирлар,
	Қизлар: маҳмадона қақилдоқлар, қизлар, аёл – уй бекаси
БИЗНИНГ ҚОМАТИМИЗ	Тик қомат, қадингизни тик тутинг, қандай ўтирамыз
УЗОҚ ЯШАШ СИРЛАРИ	Табиат эҳсони, ҳаракат – ҳаёт

Болалар луғатларида луғат мақолаларнинг жойлаштирилишида, одатда, *мавзувий*, баъзан *мавзувий-алифбо* тартибига амал қилинади. Замонавий болалар энциклопедияларида сўзликнинг жойлашишида мавзувий тартибга амал қилинса-да, у айнан идеографик луғатларга ҳам, ассоциатив луғатларга ҳам ўхшамайди.

Болалар энциклопедияларини характерлашда луғат **микроқурилиши**, яъни луғат мақоланинг ички тузилиши таҳлили ҳам муҳим роль ўйнайди. Луғат мақола бош сўз ва изоҳдан ташкил топади. Бошқа луғатлардан фарқланиб болалар луғатида бош сўз шаклини танлашда қатъий бир мезонга амал қилинмайди, улар турли сатҳга мансуб бирликлар бўлиши ҳам мумкин.

Луғат тури ва мақсадидан келиб чиқиб сўзлик қуйидаги тил бирликларидан ташкил топиши мумкин:

1) **фонемалар:**

А а – Alifning birinchi harfi.

А – Aytilgan gapni chala eshitsak, “Nima dedingiz?”, “Nima-nima?” ma’nosida ishlatamiz.

- O‘n to‘rt so‘m berasiz.

- A, o‘n to‘rt so‘m? (Oybek. “Qutlug‘ qon”)²³

2) **лексемалар:**

QON

Butun tanamizda – boshimizdan oyog‘imizgacha tomirlar bo‘ylab qon oqadi. Qon tomirlar jigar, oshqozon, o‘pkalarimizni aylanib o‘tadi. Bolalar, sizning tanangizda uch litrcha, kattalarnikida besh litr qon bo‘ladi²⁴.

3) **сўзшакллар:**

QULOQLARIMIZ

Quloqlarimiz qayerda joylashganini bilasizmi? Haqiqiy quloqlarimiz bosh suyagining ichida joylashgan. Tashqaridan ko‘rinib turgan quloqni quloq suprasi deyiladi²⁵.

4) **сўз бирикмалари:**

ODAMNING ILK PARVOZI

